



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

3 МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР 3

LOOK TO THE PAST
SPECIAL ISSUE 3



ТОШКЕНТ-2022

Бош мухаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош мухаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори,
профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари
университети

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Агзамова Гулчеҳра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори,
Тошкент кимё - технология институти

Дорошенко Татьяна Ивановна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент,
Азербайджон давлат
иқтисодиёт университети

Гофоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат университети

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор,
Қариши муҳандислик-иқтисодиёт
институти

Теймураз Ахалмосулишвили
тарих фанлари номзоди, профессор,
Телави давлат университети

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Эшов Боходир Жўраевич
тарих фанлари доктори, профессор
Қариши давлат университети

Махкамова Надира Раҳмановна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент ахборот технологиялари
университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент,
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори
Ўзбекистон Фанлар академияси

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Джоробекова Айнур Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Қозоғистон дипломатия академияси

Раҳмонкулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Расулов Абдуллажон Нуридинович
тарих фанлари доктори, профессор
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор
Санкт-Петербургда Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон давлат тарихи институти

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон Миллий университети

Хайдаров Муродилла Махмудалиевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Алнева Лале
тарих фанлари доктори,
Озарбайжон давлат университети

Санпова Камола Давляталиевна
тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори,
Догистон мустақил университети

Иноятова Диларам Маниглиевна
Тарих фанлари доктори (DSc)
Ўзбекистон Миллий университети

Одилов Аброр Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Толибоева Нодира Одилжоновна
Тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), Ўзбекистон жаҳон
тиллари университети

МУНДАРИЖА | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT

1. Раҳбархон Муртазаева ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ.....	6
2. Дилором Бобожонова ЎЗБЕК ОИЛАЛАРИДА ТИББИЙ МАДАНИЯТНИ ОШИРИШ, СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ.....	17
3. Баҳодир Эшов ҚАДИМГИ ШАҲАРЛАР ШАКЛЛАНИШИНИНГ ТАҲЛИЛЛАРИ.....	26
4. Зумрад Раҳмонкулова МАҲМУД АМИН АФАНДИ “ИСТАНБУЛДАН ЎРТА ОСИЁГА САЁҲАТ”.....	34
5. Манзура Аминова ИБН ХОЛДУН ИЛМИЙ МЕРОСИНING ЗАМОНАВИЙ АҲАМИЯТИ.....	41
6. Тўлқин Ахмедов ТУРКИСТОНДА БИРИНЧИ РУС-ТУЗЕМ МАКТАБИ: МАЪМУРИЙ ЭҲТИЁЖ ЁКИ МАДАНИЙ ЯҚИНЛАШУВ ЗАРУРИЯТИ?.....	48
7. Мансур Бойсариев ОЗАРБАЙЖОН ДИАСПОРАСИ ВАКИЛЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМ-ФАНИ ТАРАҚҚИЁТИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ.....	56
8. Фируза Жуманиязова ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА ХОРАЗМ ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ ҲАЁТДАГИ ФАОЛЛИГИНИНГ ДАВРИЙ НАШРЛАРДА АКС ЭТТИРИЛИШИ (1941–1945 йиллар).....	64
9. Муҳаммаджон Исамиддинов АНТИК ДАВР ЁЗМА МАНБАЛАРИДА САМАРҚАНД ТАРИХИНИНГ ЁРИТИЛИШИ.....	70
10. Баҳыт Кошанов, Ҳакимбай Отегенов, Гулчехра Ержанова ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ТАРИХШУНОСЛИГИНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ.....	79
11. Shohruhbek Mamadaliyev TURKISTON SHAHARALARIDA OCHLARGA YORDAM KOMISSIYASI FAOLIYATI TARIXIDAN.....	87
12. Gulnora Maxkamova XX ASR SAMARQAND KASHTALARI: XILLARI, USLUBLARI, ORNAMENT REPERTUARI (SAMARQAND DAVLAT MUZEYI NAMUNALARI MISOLIDA).....	93
13. Уктамжон Мансуров VI – XI АСРЛАР СУҒД ЁЗМА ЁДГОРЛИКЛАРИНИНГ ТАРИХИЙ МАНБА СИФАТИДА ЎРГАНИЛИШИ.....	100
14. Шоназар Матякубов XVI- XVIII- АСРЛАРДА ХИВА ХОНЛИГИ ҲУНАРМАНДЧИЛИГИНИНГ АСОСИЙ СОҲАЛАРИДАН БИРИ-КУЛОЛЧИЛИК ТУРИ ТАВСИФЛАРИ.....	105

15. Отабек Махмудов «МИЛЛИЙ ТАРИХ» ВА «ТАРИХ ТАЪЛИМИ»ДА «ЖАҲОН ТАРИХИ»НИНГ АҲАМИЯТИ (лотин тилли тарихий манбалар ва замонавий ўзбек илмий адабиётининг қиёсий таҳлили медиевистик талқинда).....	109
16. Sayyora Mirsoatova, Aхrorbek Muxsidinov O‘ZBEKISTONDA MEZOLIT DAVRI YODGORLIKLARINING O‘RGANILISHI HAQIDA.....	122
17. Зухра Ражабова ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ СИЙМОСИННИНГ ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ.....	128
18. Мафтуна Рузикулова ФАРҶОНА ВОДИЙСИНИНГ МЕЛИОРАЦИЯ ВА ИРРИГАЦИЯ ИШЛАРИ ТАРИХИДАН (1950 – 1970).....	134
19. Хасанбой Рахматиллаев ҚАДИМГИ ВА ИЛК ЎРТА АСРЛАР ДАВРИ ЭТНИК ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ МУАММОЛАРИ ҲАҚИДА.....	139
20. Lutfiya Salomova AVSTRALIYA MILLIY ARXIVI FAOLIYATI HAQIDA.....	144
21. Наргиза Сейтимбетова ҚОРАҚАЛПОҶИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОЗОҚ МИЛЛИЙ МАДАНИЙ МАРКАЗИ.....	148
22. Shaxnoza Tursunova O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASINING BENILYUKS DAVLATLARI BILAN XALQARO MUNOSABATLARINI RETROSPEKTIV TAHLILINING AYRIM JIHATLARI.....	156
23. Икромжон Умаров КЎҲИТАНГТОҶ ҚИШЛОҚЛАРИНИНГ ҲУДУД БЎЙЛАБ ЖОЙЛАШУВ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА АҲОЛИНИНГ ЭТНИК ТАРКИБИ.....	161
24. Ма’мура Umarxodjayeva, Zilola Shodmonxo`jayeva, Nodira Xasanova O‘ZBEKISTON TARIXI DAVLAT MUZEYINING NOYOB XAZINASIDAN.....	174
25. Санъат Худайбергенов ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧИДА ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ ХОРИЖИЙ ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ.....	178
26. Ҳабиба Ҳасанова 1917-1924 ЙИЛЛАРДА ТУРКИСТОН МИНТАҚАСИДА БОСМАХОНАЛАРНИНГ ТЕХНИК ҲОЛАТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР.....	186
27. Ра’но Qodirova 1936-1937 YILLARDA O'ZBEKISTON SSR MAKTABLARIDA TARIX FANINING O‘RGANILISHI (M.Asimov hisobot materiallari asosida).....	192


28. Қосим Қосимов ШАРҚИЙ БУХОРОДА ҚИЗИЛ АРМИЯГА ҚАРШИ МИЛЛИЙ ОЗОДЛИК ҲАРАКАТЛАРИ.....	196
29. Ислом Қаршиев МУТАФАККИР СЎФИ ОЛЛОЁР ҚАРАШЛАРИДА ТАСАВВУФИЙ ҒОЯЛАР ТАҲЛИЛИ.....	203
30. Гулжаҳон Шайдуллаева ХАРАППА МАДАНИЯТИ ЁДГОРЛИКЛАРИДАН ТОПИЛГАН ОКС ЦИВИЛИЗАЦИЯСИГА ХОС БЎЛГАН МОДДИЙ МАНБАЛАР ТАҲЛИЛИДА МАДАНИЙ ВА САВДО АЛОҚАЛАРИ.....	209
31. Fotima Shirinova, Zumrad Kosimova XX ASRNING 20-30-YILLARIDA SOVET HOKIMIYATINING O'ZBEKISTONDA YURITGAN SIYOSATI, UNING MONIYATI VA OQIBATLARI. SIYOSIY QATAG'ONLIK.....	222
32. Юлдаш Юлдашев ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ДАВЛАТ АРХИВИ 555-ФОНДИНИНГ АРХИВ МАНБАШУНОСЛИГИ ТАҲЛИЛИ.....	230
33. Акмал Якубов ХИВА ХОНЛИГИНИНГ ТАШҚИ САВДО МУНОСАБАТЛАРИ (Дашти қипчоқ мисолида).....	237
34. Акмал Якубов ХИВА ХОНЛИГИ ВА ҚОЗОҚ ЖУЗЛАРИ (ўтроқ ва кўчманчилар ўзаро алоқларининг негизлари).....	246
35. Лазизахон Алиджанова ДИНИЙ ТАЪЛИМОТЛАРДА ТИББИЁТГА ОИД ИЖТИМОИЙ ҚОИДАЛАР ТАҲЛИЛИ.....	256
36. Дилрабо Қурбанова ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕКИСТОНДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИК СИЁСАТИ.....	264
37. Камола Саипова УРУШ ДАВРИДАГИ ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ БАҒРИКЕНГЛИК КЎРСАТИШИ.....	274
38. Аҳадулла Рахматуллаев ТУРКИСТОНДАГИ МАҲАЛЛИЙ ЎЛКАШУНОС ВА КОЛЛЕКЦИОНЕРЛАР ФАОЛИЯТИ.....	280
39. Азамат Ктайбеков ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ЎЗГАРИШЛАР (2000-2016).....	288
40. Гулнора Худойберганава “АСКЕТИЗМ” ТУШУНЧАСИ ВА ДИНЛАРДА АСКЕТИК АМАЛИЁТЛАРГА МУНОСАБАТНИНГ ТАҲЛИЛИ.....	293



Акмал Сайдирасулович Якубов,
Шароф Рашидов номидаги
Самарканд давлат университети докторанти

ХИВА ХОНЛИГИНИНГ ТАШҚИ САВДО МУНОСАБАТЛАРИ (Дашти қипчоқ мисолида)

For citation: Akmal S. Yakubov, FOREIGN TRADE RELATIONS THE KHANATE OF KHIVA (On the example of Dashti Kipchak). Look to the past. 2022, Special issue 3, pp.237-245

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.7485362>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада Хива хонлиги ташқи дипломатик алоқаларида муҳим ва стратегик аҳамият касб этган Дашқи Қипчоқ худуди ва бу ерда кечган савдо муносабатлари таҳлил қилинган. Маълумки, Хива хонлигининг ташқи алоқаларида савдо муносабатларига алоҳида эътибор берилган жумладан, Дашти Қипчоқ билан олиб борилган савдо-сотик ишлари хонлик иқтисодий ҳаётининг асосий қисмини ташкил қилган.

Калит сўзлар: қозоқ жузлари, савдо, В.В. Бартольд, чорвадор хўжалик, П.И.Рычков, Кичик жуз, натурал хўжалик, Жеттиру.

Акмаль Саидирасулович Якубов,
Базовый докторант Самаркандского
государственного университета имени Шарофа Рашидова

ВНЕШНЕТОРГОВЫЕ СВЯЗИ ХИВИНСКОЕ ХАНСТВО (На примере Дашти Кипчак)

АННОТАЦИЯ

В данной статье анализируется регион Дашки Кыпчак, который приобрел важное и стратегическое значение во внешнеполитических связях Хивинского ханства, а также торговые связи, имевшие место там. Известно, что во внешних сношениях Хивинского ханства торговым отношениям уделялось особое внимание, например, торговля с Дашти Кипчаком составляла основную часть экономической жизни ханства.

Ключевые слова: казахстанские товары, торговля, В.В. Бартольд, животноводство, П. И. Рычков, Кичик жуз, натуральное хозяйство, Джеттиру.

Akmal S. Yakubov,
Basic doctoral student of Samarkand State
University named after Sharof Rashidov

FOREIGN TRADE RELATIONS THE KHANATE OF KHIVA

(On the example of Dashti Kipchak)**ABSTRACT**

This article analyzes the Dashki Kypchak region, which has acquired an important and strategic importance in the foreign policy relations of the Khiva Khanate, as well as trade relations that took place there. It is known that in the external relations of the Khiva Khanate, special attention was paid to trade relations, for example, trade with Dashti Kipchak was the main part of the economic life of the Khanate.

Index Terms: Kazakhstani goods, trade, V.V. Bartold, animal husbandry, P.I. Rychkov, Kichik zhuz, subsistence farming, Jettiru.

1. Кириш:

Ўзбек давлатчилиги тарихида муҳим босқич ҳисобланган хонликлар даврини тадқиқ этиш, мазкур даврда юз берган тарихий жараёнларни бугунги кун руҳи билан ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, Хива хонлиги тарихини ўрганиш, бу ерда олиб борилган ташқи дипломатик алоқалар ва унда савдо муносабатлари хонлик тарихи муҳим тадқиқот объектларидан биридир. Зеро, мазкур даврда кечган тарихий воқеликларни ўзида акс эттирган ёзма манбалар, архив материаллари, илмий тадқиқотлар ва тарихий адабиётларда келтирилган маълумотларнинг тарихий-манбавий таҳлили тарих фанининг бош масалаларидан бири ҳисобланади. Маълумки, турли тарихшунослик ишларида Хива хонлигининг минтақада олиб борган савдо муносабатлари ва унда Дашти қипчоқ минтақаси масаласи тарихий нуқтаи назардан қизиқарли ва шу билан биргаликда инкор этиладиган фикр-мулоҳазалар ҳам акс этган.

2. Методология:

Хива хонлигининг ташқи савдо алоқалари ва унда Дашти қипчоқ минтақасининг тутган ўрни ҳақида Хива тарихшунослик мактаби муаллифларининг ёзма манбалари ва тарихий адабиётларда келтирилган маълумотларни ўрганиш ва таҳлил этишда тарих фанининг замонавий концептуал-методологик ёндошувлари ҳисобланган мавзуга доир ёзма манбалар ва тарихий адабиётларда келтирилган маълумотларнинг қиёсий таҳлилида, тарихийлик, қиёсий тарихий таҳлил услубларидан фойдаланилган.

3. Асосий қисм:

Хоразмнинг Дашти Қипчоқ (қозоқ жузлари) билан турли соҳалардаги алоқалари қадим замонларга бориб тақалади. В.В. Бартольднинг ёзишича, Ўрта Осиё маданий вилоятларининг кўчманчи турклар билан савдо-сотик олиб боишлари ҳар доим ҳам катта иқтисодий аҳамиятга эга бўлган. Х асрдан бери Туркистон мусулмонлари ўзларининг кўчманчи кўшнилари шарофати билан жуда қулай вазиятдан фойдаланган ҳолда арзон ва катта миқдорда от ва гўшт олганлар[1].

Кўчманчи чорвадор хўжалиги бир томондан ўзини ўзи таъминлашга қаратилган бўлса, иккинчи томондан ҳаёт кечириш учун зарур бўлган нарсаларни босқинчилик ва савдо орқали олиши билан ажралиб туради.

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, Кичик аҳолиси ҳаётида савдо катта ўрин эгаллаган. Қозоқлар ўз хўжаликларида етмайдиган нарсаларни айнан савдо орқали олардилар. П.И.Рычков таъкидлаганидек: “Кичик жуз аҳолиси руслар ва хиваликларга сотадиган отларидан барча талабларини қондиришда катта маҳорат кўрсатадилар”[2]. И.Г.Георги хулосасига биноан “қирғиз (қозоқ)лар ўз эҳтиёжлари ва ҳаётий манфаатларини Россия, Бухоро ва Хева, қўшни вилоятлар билан бўлган савдо орқали қониқтиришган”[3].

Кичик жузнинг барча хўжалик ҳаёти савдо билан алоқадор эканлигига манба ва илмий адабиёт ҳам бой маълумот беради. Кичик жуз билан қўшни бўлган Хоразм аҳолиси ҳам ғалла, буғдой, ун ва мануфактура маҳсулотларини четдан олгани маълум[4].

Баъзи маълумотларга қараганда деҳқончилик билан шуғуландиган аҳоли ва чорвадорлар ўртасида буғдой ички савдоси чорва ва чорва маҳсулотлари, асирлар айирбошлаши орқали амалга оширилган[5]. Ғаллани чорва ва деҳқончилик асбоб-ускуналари билан алмаштириш минтақа аҳолиси учун ягона восита бўлгани ҳам савдо уларнинг ҳаётида

катта ўрин эгаллашини исботлайди. Бундан ташқари, савдо, мол айирбошлаши деҳқончилик билан шуғулланишнинг асосий сабабларидан биридир. Камбағаллашган чорвадорлар қолган чорваларини сотиб (алмаштириб) керакли асбоб-анжом ва уруғлик либшлари мумкин бўлган. Шундай қилиб, овчилик, деҳқончилик ва уй ҳунармандчилиги қайси бир маънода ички ва ташқи савдо билан алоқаси бўлган.

Натурал хўжаликда савдо амалиётлари доимий характерга эга бўлмасдан тасодуфий ҳолатда амалга оширилиши маълум. Қозоқларнинг хўжалиги натурал хўжаликидан фарқ қилади. Унинг асосини биринчидан, кўчманчи чорвачилик ташкил қилади. Иккинчидан, ишлаб чиқарилган умумий маҳсулотнинг бир қисми зарур бўлган нарсаларни сотиб олиш учун сарфланган. Учунчидан, минтақа аҳолисининг хўжалиги чегараланган бўлмагай, балки ҳар бир хўжалик ва ёки оила ички ва ташқи савдо билан алоқаси бўлган. Қозоқ жузларида ишлаб чиқарилган баъзи маҳсулотлар (думма ёғи, қўй териси) Европа бозорларида ҳам сотилгани маълум[6]. Тўртинчидан, жузларнинг савдоси доимий бўлиб, қадим илдишларга эга бўлган. Бешинчидан, пул ролини уйнайдиган чорва билан олиб борилган. Олтинчидан, чорвага асосланган хусусий ва оилавий мулкчилик ҳамда ерга бўлган жамоа мулки ишлаб чиқариш муносабатларининг асосини ташкил қилиб, унинг шароитида савдо ривожланган. Бу барча зикр қилинган омиллар оддий товар ишлаб чиқариш хос бўлган. Шунинг учун, қозоқлар хўжалиги ўрганилаётган даврда баъзи натурал хусусиятларни сақлаган ҳолда бир қисм маҳсулотни ҳар бир оила хўжалигидаги чорва маҳсулотидан олган. Ортиқча маҳсулот товар сифатида турли шаклда сотилган ё алмаштирилган.

Савдо муносабатлари ҳар иккала томонга ҳам манфаат келтириб, меҳнат тақсимотига асосланган эди. Натижада минтақа ва воҳада ишлаб чиқаришнинг барча соҳалари тараққий этиб, ишлаб чиқариш кучларнинг ҳам ривожланишига олиб келарди. Савдо-сотик эса кейинги даврларда ҳам турли соҳадаги муносабатларни олдинга ривожланишига сабаб бўлди: ўзбек ва қозоқ халқларининг муносабатларини қизғин ривожланишига асос яратди. Ўрганилаётган даврда, айниқса теурийларнинг ўзаро курашлари, қозоқ султонларининг бу муносабатларга аралашувлари, шайбонийлар даврида ва кейинчалик жунғорлар босқини даврида Хива хонлиги ва қозоқ ерлари билан алоқалар жуда мураккаблашиб, оғир бўлиб кетган. Бироқ савдо муносабатлари турли тўсиқ ва қийинчиликларга қарамасдан давом этган. Зеро, ҳам ўтроқ ва ҳам кўчманчи аҳоли савдо муносабатларига, турли маҳсулот ва хом-ашёга муҳтож бўлган. П.П. Ивановнинг таъкидлашича, ўзаро уруш ва жанжаллардан сўнг томонлар зудлик билан савдо муносабатларини қайта тиклаш учун кўп саъй ва ҳаракатлар қилинган[7].

Ўрганилаётган даврда қозоқ жузлари аҳолисининг асосий савдо маҳсулотлари бу чорва моллари бўлган. Кўчманчилар кўшни халқларнинг деҳқончилик ва ҳунармандчилик маҳсулотларига бўлган талабларини ўз чорва молларини алмаштириш ёки сотиш йўллари билан қондиришган. Улар асосан Бухоро ва Хива бозорларига келиб, ўз чорва ва уларнинг маҳсулотларини сотиб, ўзларига керак бўлган нарсаларни олиб кетишган[8]. Қозоқлар ичида ўзбек ҳунармандларининг барча маҳсулотлари кенг тарқалгани маълум[9]. 1792 йилда Шамайда биргина тошкентлик савдогарлар пахта ип газаламалардан 139 000 аршин, ёки 1957 рубл 15 тийинлик ҳамда камарлар, пўстин, мағз, буғдой, пахта ва бошқалардан 2287 рубл 30 тийинга нарса сотганлар[10].

Ўрганилаётган даврнинг охирларига келиб Хива хонлиги ҳудудида Кичик жузнинг куйидаги уруғ ва қабилалари Хива бозорларида савдо қилганлар: алимулла ва шекти, чумекей ак-кете, чумекей уджирай, жами етти минг ўтов. Улар Каспий денгизи, Барсук, Эмба, Темир, Уил, Қобла дарёларидан Урал дарёсигача, қишлогда эса Сирдарё бўйларидаги Қоратепада, Қувондарё, Орол атрофида кўчиб юрган; Жеттирунинг чомишти-тобиин, бойули, черкеш, байули-тазлар, кизил-қуртнинг кўчиш жойлари ёзда Эмба бўйлари, қишда Орол ва Каспий денгизининг жануб-шарқий, шарқий-шимолида бўлган[11].

Қозоқларнинг Улуғ ва Ўрта жузлари халқи Бухоро ва Тошкентда савдо қилганлар. Хива бозорларида ҳам қозоқлар учун маҳсус бозор ва расталар бўлган (шунда қозоқ бозорларда 100 дан ортиқ расталар бўлган). Ўз навбатида қозоқлар бу бозорларда тери ва тери маҳсулотлари, жун, хуржун, арқон, эгар-жабдуқлар ва унинг абзал-анжомлари, кигиз, қозоқ гиламлари,

қоплар, камарлар, ёғочдан қилинган маҳсулотларни сотганлар.

Кўп ҳолларда баъзи хунармандлар (пойабзалчилар, тикувчилар ва бошқалар) бевосита қозоқлар яшайдиган ҳудудларга бориб, жойида қозоқларнинг аёлу эркаги ва болаларига пойабзал, кийим кечак тикиб бериб, эвазига тери, мўйна, гўшт ва сут маҳсулотлари, пул олганлар. Баъзи йилларда Кичик жуз қозоқлари Хива бозорларига 200 минга яқин кўй олиб келиб сотганлар[12]. Манғқишлоқ ва Устюрт қозоқларига Хиванинг кўпгина бозорлари маълум бўлиб, бошқа ҳамқабилалари ва юртдошлари билан Хива, Кўнғирот, Янги Урганч, Кўҳна Урганч, Гурлан, Ҳазорасп, Хўжайли, Манғит, Қипчоқ ва Шоватда, Питнак, Беш-ариқ, Қўшқўпир, Хазават Қиёт, Амбар манак, Тошҳовуз, Иляли, Қилич Ниёзбий, Порсу, Шумагайда савдо-сотик ишларини олиб борганлар[13].

Хиванинг қозоқлар билан савдо муносабатлари учун Кўнғирот шаҳрининг ўрни катта бўлган. “Кўҳна Урганчдан кейин барча атрофдаги аҳоли шу шаҳарда бозор қилишган”, деб маълумот берилади архив ҳужжатларида[14].

Бу шаҳарда иккита катта бозордан ташқари (қозоқ ва ўзбек бозори) 300 дан ортиқ савдо расталари ва дўконлар бўлган. Қозоқ бозорлари кўчманчиларни баҳорда, кўчиб кетишларидан олдин ва яйловдан қайтиб келишларидан сўнг, қишлоғга келганларидан жуда гавжум бўлган. Нархлар ҳам шу вақтда анча тушган[15].

Бундан ташқари қозоқ жузлари орқали Марказий Осиёлик савдогарлардан тошкентлик, бухоролик, қўқонлик ҳамда хоразмлик савдогарлар Россия билан савдо-сотик ишлари олиб борганлар. Шунда қозоқларнинг баъзи султон ва бийлари савдо қарвонларнинг хавфсизлигини таъминлаганлар. XIX асрнинг бошларидаги маълумотларга қараганда, 1803 йили Шамайга 50055 рублга мол-товар олиб келиниб, Шамайдан 62606 рубллик товар олиб кетилган. 1804 йили эса 80366 рубли мол олиб келиниб, 73981 рубллик маҳсулот олиб кетилган[16]. Бу кўрсаткич йилдан йилга ошиб борган. Башқа маълумотларга қараганда Шамайдан Ўрта Осиёга биргина кигизнинг ўзидан 1 млн рублга яқин олиб келинган экан[17].

Шамай шаҳри шу даврда нафақат Хитой, Тошкент, Қўқон, Хива ва Бухоро, балки Ўрта ва Катта жуз аҳолиси учун муҳим савдо марказига айланган эди[18].

Архив маълумотларига қараганда, Қозоқ жузларидан (маълумот Шамай-Тошкент йўналишига оид) 4-5 минг туяда товар олиб келинган, улардан 250 тасида намат, тери ва турли арқонлар бўлган. Шу йўналишдаги Марказий Осиё-Дашти Қипчоққа эса 10 минг туядан иборат савдо қарвони борган[19].

Шунда Марказий Осиёлик савдогарлар қозоқ қабилалари яшаётган ҳудудлардан ўта туриб, ўртақашлик қилиб, мол айирбошлаши билан машғул бўлган. Улар ўз товарларинини чорвага, чорва маҳсулотларига, уй хунармандлари маҳсулотларига алмаштириб, уларни кейин бошқа жойларда сотганлар. Ўз навбатида улар Россия ва бошқа жойлардан қозоқларга керак бўлган маҳсулотларни сотиб олиб келтирган[20].

Айни шу масалани ёритиб, рус тадқиқотчиси А.Н. Тетеревников ёзган эдики, Марказий Осиё савдогарлари бизнинг божхона пунктларимизгача келиш вақтларида анча савдо-сотик ишларини олиб бориб, даштга қуйидаги молларни олиб келишади: улар ичида энг кўпи бўз-хомсурф матосидир, кейин эса чакмонлар, халат ва тўнлар, кўрпа-тўшаклар, тўппи, камарлар, чолвор, заргарлик ва темир маҳсулотлари ва бошқалар[21].

Маълум бўлишича Марказий Осиёлик савдогарлар Россиядаги турли ярмарка ва бозорларидан рус фабрика-заводларининг маҳсулотларини (чини ва фарфордан, милтиқ ва тапончалар), яна шакар, оқ-қанд, сафар сандиғи, қозонлар, совун, атир ва ҳ. қозоқ жузларига олиб келиб сотишган ёки алмаштирганлар[22].

Ўз навбатида Хива бозорларида Орол ва Каспий атрофидаги қозоқлардан ҳам савдогарлар асосан чорва маҳсулотларини олиб келиб сотиб (асосан кўй, кейин от ва туяларни, чакмон, тери, наматлар, баскура), хонлик бозорларидан ун, турли матолар(бўз, хомсурф, шоҳи), халатлар, гиламлар, мева ва қоқ мевалар олиб кетишган. Ўрганилаётган даврда Хива хонлигидаги юқорида айтилган савдо марказларидан ташқари Хиванинг Кичик жузлар, Устюрт, Орол атрофида барпо этилган қалъа ва истеҳкомларида ҳам савдо-сотик ишларини олиб боришган.

Кўпинча хивалик сарбозлар ва уларнинг оилалари келган қозоқлардан чорва, ва чорва маҳсулотларини сотиб олганлар. Баъзи каттароқ истехком ва қалъаларда хунарманд ва усталар ҳам келиб яшаган. Улар ўз маҳсулотларини чека-атрофдаги кўчманчи қозоқларга ҳам сотган.

Ўрганилаётган даврда Хива хонлигида яшаётган қорақалпоқлар Кичик жуз қозоқларининг иқтисодий ва сиёсий тобелигида бўлган. Уларнинг асосий қисми ярим кўчманчи бўлиб, човачилик, деҳқончилик ва балиқчилик билан машғул бўлганлар. Уларнинг бир қисми Хоразм воҳасидаги ўзбеклар таъсирида деҳқончилик билан шуғулланиб, ўтроқ бўлишган эди. Улар Сирдарё ва унинг ирмоқлари бўлган Қувондарё ва Жанидарёдан сунъий усулларда сув чиқариб, кишлок хўжалик зироатларини экканлар. Қадимий усуллардан фойдаланишни улар хоразмликлардан ўрганганликлари маълум[23].

XVIII асрда қорақалпоқлар қозоқларга кўрғошин, порох ҳам сотган. Хива худудларида ўзбекларга яқин жойларда яшаётган қорақалпоқлардан чиққан савдогарлар қозоқлар билан бўлган савдонинг асосий қисмини ўз қўлларида ушлаб, уларни ғалла билан таъминлаган.

Савдо ва корвон йўлларида қозоқ қабилалари савдогарлар ва корвон хавсизлигини таъминлашда ҳам иштирок этганлар. Бу иш билан XVIII асрнинг ўрталаридан Ўрта ва Кичик жуз аҳолиси шуғулланишни бошлаган маълум[24].

Ақсар ҳолларда бу иш билан ўз худудларидан ўтадиган корвон ва савдо йўллари бо аҳолига бу иш фойда келтиргани аниқ. Корвон хавфсизлигини таъминлаган гуруҳ, масалан Бухородан Оренберггача 14 бухоро тиллосида ҳақ олишган[25].

Я.П.Гавердовский маълумотида қараганда Кичик жуздан бойули қабиласидан жунбас уруғи (7200 оила), алимулла қабиласининг чумекей уруғи (6000 оила), тозлар (3000 оила), жетирунинг кераит уруғи (4000 оила) корвонлар кузатиш ва муҳофазаси билан машғул бўлишган[26]. Шунда жунбаслар Троицк ва Бухорода савдо қилиб шу йўлларда корвонларни кузатган. Тозлар ва қизилқуртлар эса, Оренбургга Хива корвонларни олиб бориб, уердан Хивага Оренбергдан савдо корвонларига ҳамроҳлик қилишган.

Кичик жуздан 42 та қабиладан 5 та, яъне 12 %, жами 23200 оила корвон амниятини таъминлаш билан машғул бўлишган. Ўрта жуздан арғин қабиласидаги учта чард, джид, туртуул (жами 30000 оила), бағанали-найман қабиласидан қараул, қаракесак уруғлари (жами 900 ва 4000 оила) шундай юк ташиш билан машғул бўлган. Шунда бошидаги уч уруғ корвонларни Муқаддас петрдан Кошғар, Тошкент ва Бухорогача, охириги иккита уруғ Бухородан Троицккача савдо қилишган[27].

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, Хива ва дашти қипчоқ савдо алоқаларида қароқчилик катта зарар етказишган. Кўп ҳолларда “баранта” номини олган корвон йўлларидаги қароқчилик ва ўғрилиқкўчманчи қозоқларда катта даромад келтирган бўлса ҳам ўтроқ ва кўчманчилар ҳамда давлатлар ўртасидаги алоқаларга салбий таъсир кўрсатган. Бу қароқчиликдан кўпчилик азият чеккани ҳам маълум[28].

Ўрганилаётган даврда Кичик ва Ўрта жуздаги қозоқлар чорвачилик билан бирга ўзларига керакли бўлган товарлар ва ишлаб чиқариш воситаларни қароқчилик йўли билан ҳам қўлга киритишган[29].

Жанна Юнисовна Мансурова ўзининг ишида ўша давр муаллифларининг маълумотлари асосида аниқладикки, Кичик жуз аҳолисида доимий равишда алимулла-қарасақол қабиласидан 4 та уруғ – 1700 оила, алимулла-чумекей қабиласидан чумекей-текин (2500), чумекей куит (5000 оила), чумекей кунят ва сари-кишкина (4000 юрта); алимулла-турқара (10000 оила), алимулла-кишкина-чиқти (800 оила) корвон йўлларида қароқчилик билан машғул бўлишган. Буларга яна яқин алоқада бўлган алимулла-қаракесак ва кишкина-чиқти, жами 3500 оилани кўшиш керак. Бу жузда 42 та қабиладан 8 қабила қароқчилик билан шуғулланиб, ўзларига керак бўлган кийим-кечак, матолар, пул, ишлов берилган тери, гиламлар, кумуш, тилла, бошқа бойликлар, умуман рус-ўртаосиё савдо маҳсулотларини ташкил қилган барча товарларни ўзлаштирганлар. Бундай қароқчиликни корвонбошилар, қабила бийлари, қабила старшиналари, баъзан султонлар турли восита ва алдов йўллари билан ташкил қилишган[30].

Корвон талон-торожи ва савдо йўллардаги қароқчиликдан тушум жуда катта бўлган. Масалан, 1786 йилдан 1791 йил оралиғида олтига карвонга уюштирилган қароқчиликдан 445 000 рублга яқин мол ўғирланган. 1796 дан 1805 йилгача 2 млндан ортиқ товар ва бойлик Россия ва Ўрта Осиё савдо йўлларида талон-тарож қилишган.

Я.П.Гавердовский маълумотига қараганда Кичик жуз қабила ва уруғлари 9 йил давомида (агар ўртача оила аъзоларини 5 нафардан иборат деб билсак) киши бошига 13, 3 кумуш рублга тенг даромад олишган. Ўғирланган товарлар 3-10 баробарига арзон қароқчилар кўлига тушгани маълум бўлади[31].

Ўрганилаётган даврда қароқчиликнинг яна бир манба чорва ва одамларни ўғирлаш бўлган. 1750 йилдан 1825 йиллар орасида рус ва қозоқ жузлари орасидаги чагаралардан 3666 киши, қорвонлардан 2 489 417 рублга тенг товарлар, 38 226 бош от, 24 549 бош қорамол, 21959 бош кўй ўғирланган[32].

Чегарада асир олинган руслар Ўрта Осиё бозорларида сотилган. Хива, туркманлар, қароқалпоқлар ерлари ва Эрондан ўғирланган асир ва қуллар Россия бозорлари ва Хива ва Бухоро қул бозорларида сотилгани маълум[33].

1721-1725 йилларда бутун минтақада фақат руслардан 6-7 минг рус асирлари бўлган. 1740 йили фақатгина Хивада 4 мингга яқин рус қуллари ва асирлари бўлган. 1770 йилда эса уларнинг сони 5 мингдан ошган[34].

Бир асир ё қул нархи 50 рублдан 950 рублгача бўлган. Кўпинча қул ўртача 200-300 рублга сотилган. Бу миқдор маблағга 300 бош кўй сотиб олишни инобатга олинса, бир асирни сотиб бутун молиявий вазъиятни тартибга солиш мумкин бўлган. Я.П.Гавердовский хулосасига кўра “қароқчилик шундай даромад келтириши билан кўп қамағаллашган қазоқларнинг асосий даромади ва машғулотига айланган эди”[35].

4.Хулоса:

Хулоса қилиш мумкинки, қароқчилик ўрганилаётган даврда, айниқса ХУШ асрнинг охири – XIX асрнинг бошларида Кичик жуз аҳолиси учун ҳам аҳолининг иқтисодий талабини қондирадиган асосий машғулотлардан бирига айланган эди.

Ўрганилаётган даврда Хивадаги марказий ҳокимиятнинг зафлашуви, қозоқ жузлари ўртасидаги зиддият, жунғорларнинг бостириши минтақа, Хива ва Дашти қипчоқ, жумладан Кичик жуз ва қароқалпоқлар билан бўлган муносабатларга салбий таъсир кўрсатди.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана / Сочинения, т.2. ч.1. – Москва:Наука, 1961. – С. 329. (Barthold V.V. Istoriya kulturnoy jizni Turkestana / Sochineniya, vol.2. Ch. 1. - Moscow: Nauka, 1961.– P. 329.)
2. Рычков П.И. Ответы на экономические вопросы, касающиеся до земледелия. // Труды ВЭО, СПб., 1767, Ч.7,е – С.132. (Rychkov P.I. Otvety na ekonomicheskie voprosy, kasayushchiesya do zemledeliya. // Trudy VEO, SPb., 1767, Ch.7, – P. 132)
3. Прошлое Казахстана в источниках и материалах.Сб.док. Москва-Алш-Ата,1935, сб.1. – С.162. (Proshloe Kazakhstan v istochnikax i materialax.Sb.doc. Moscow-Alsh-Ata, 1935, sb.1. – P. 162)
4. Гавердовский Я.П. Примечания к рассмотрению Оренбургского края.РО ГПБ им.М.Е.Салтыкова-Щедрина, Ф 11, 37, л.39. (Gaverdovsky Ya.P. Primechaniya k rassmotreniyu Orenburgskogo kraya.RO GPB im.M.E.Saltykova-shchedrina, F 11, 37,)
5. Ўша жойда. (In that place)
6. Мансурова Ж. Ю. Хозяйство казахов Малого и Среднего жузов во второй половине XVIII - начале XIX в. Дисс. канд.ист.наук. – Москва, 1884. – С. 186. (Mansurova J. Yu. Khozyaystvo Kazakh Malogo i Srednego juzov and second half of the XVIII - late XIX centuries. Diss. kand.ist.nauk. - Moscow, 1984. – P. 186)
7. Иванов П.П. Казахи и Кокандское ханство. – С. 93.; К вопросу о взаимоотношениях казахских племен с оседлым и полуседлым населением Хорезма в ХУШ-ХІХ вв. УП

- ЖАЭН. – М. -.Наука, 1964, 9 с. (Ivanov P.P. Kazakh i Kokandское Khanstvo. - S. 93.; K voropisu o vzaimootnosheniakh kazakhskih plemen s osedlym i poluosedlym naseleniem Khorezma v HUSH-XIX vv. UP JAEN. - M. - Science, 1964, – P. 9.)
8. Небольсин П.Н. Очерки торговли России со Средней Азией // Записки РГО, кн.10. 2855. – С.287. (Nebolsin P.N. Essays on Russia's trade with Central Asia // Notes of the Russian Geographical Society, v. 10. 2855. - P.287.)
 9. Тетеревников А.Н. Очерк внутренней торговли киргизской степи. – СПб., 1867. – С. 4. (Teterevnikov A.N. Essay on the internal trade of the Kirghiz steppe. - St. Petersburg, 1867. - S. 4.)
 10. Медуанов С. История казахско-узбекских отношений в XIX-начале XX вв. Туркестан, 1992. – С.125. (Meduanov S. History of Kazakh-Uzbek relations in the 19th-early 20th centuries. Turkestan, 1992. - P.125.)
 11. Материалы по истории Казахской ССР (1785-1828). Т.4.– Алма-Ата: Изд-во АН КазССР. 1948. – С. 512-513. (Materials on the history of the Kazakh SSR (1785-1828). V.4. - Alma-Ata: Publishing House of the Academy of Sciences of the KazSSR. 1948. - P. 512-513.)
 12. Тетеревников А.Н. Очерк внутренней торговли киргизской степи. – СПб., 1867. – С. 51. (Teterevnikov A.N. Essay on the internal trade of the Kirghiz steppe. - St. Petersburg, 1867. - P.51.)
 13. Гришфельд В., Галкин М.Н. Военно-статистическое описание Хивинского оазиса. – Ташкент, 1903. Вып. II. – С.144 ва кейингилари. (Grishfeld V., Galkin M.N. Military-statistical description of the Khiva oasis. - Tashkent, 1903. Issue. II. - P.144)
 14. Медуанов С. История казахско-узбекских отношений в XIX-начале XX вв. Туркестан, 1992. – С.131. 1-чи изоҳ. (Meduanov S. History of Kazakh-Uzbek relations in the 19th-early 20th centuries. Turkestan, 1992. - P.13.)
 15. Ўз МА, И-383-жамғарма, 196-йиғма жилд, 12-варак. (Uz NSA, Fund I-383, Collection Volume 196, – P 12)
 16. Ўз МА. И-478-жамғарма, 204-йиғма жилд, 211 варак. (Uz NSA. Fund I-478, collection volume 204, page 211.)
 17. Масанов Э.А. Казахское войлочное производство во второй половине XIX в. и в начале XX в. // Труды ИИАЭ КазССР им. Ч.Ч. Валиханова. Т.6. – Алма-Ата, 1959. – С. 124. (Masanov E.A. Kazakh felt production in the second half of the 19th century. and at the beginning of the twentieth century. // Trudk IIAE KazSSR them. Ch.Ch. Valikhanov. T.6. - Alma-Ata, 1959. - P. 124.)
 18. Янушкевич А. Дневник и письма из путешествия по казахским степям. (Перевод с польского и предисловие Ф. Стендовой). Под ред. Дюнсенбаева. Алма-Ата, 1960. – С.5. (Yanushkevich A. Diary and letters from a journey through the Kazakh steppes. (Translated from Polish and foreword by F. Stendova). Ed. Dyunsenbaeva. Alma-Ata, 1960. - p.5.)
 19. Медуанов С. История казахско-узбекских отношений в XIX-начале XX вв. Туркестан, 1992. – С.136. 3 ва 4-чи изоҳ. (Meduanov S. History of Kazakh-Uzbek relations in the 19th-early 20th centuries. Turkestan, 1992. - P.136.)
 20. Из истории внешнеторговых связей казахов в XVIII в. В кн. Ученые записки ИВАН СССР. – Москва, 1958, т. 19. С.39-54.; Казахско-китайские торговые отношения в к.ХVIII-в. В кн.: ТИИАЭ им.Ч.Ч.Валиханова АН Каз ССР. – Алма-Ата, 1952, т.15. – С.138-145. (From the history of foreign trade relations of the Kazakhs in the 18th century. In book. Scientific notes IVAN USSR. - Moscow, 1958, v. 19. P. 39-54 .; Kazakh-Chinese trade relations in the late 18th century. In the book: ТИИАЭ named after Ch.Ch.Valikhanov of the Academy of Sciences of the Kazakh SSR. - Alma-Ata, 1952, v.15. – P.138-145.)
 21. Тетеревников А.Н. Очерк внутренней торговли киргизской степи. – СПб., 1867. – С. 9. (Teterevnikov A.N. Essay on the internal trade of the Kirghiz steppe. - St. Petersburg, 1867. - P. 9.)
 22. Толыбеков, С. Е.. Кочевое общество казахов в XVII- начале XX века: Полит.-экон.анализ . – Алма-Ата : Наука, 1971 . – 634 с.; Шу муаллиф. Общественно-экономический строй

- казахов в XVII-XIX веках . – Алма-Ата : Казгосиздат, 1959 .– 448 с. (Tolybekov, S. E. Kazakh nomadic society in the 17th - early 20th centuries: Polit.-econ. analysis. - Alma-Ata: Science, 1971. - 634 p.; Shu muallif. Socio-economic structure of the Kazakhs in the XVII-XIX centuries. - Alma-Ata: Kazgosizdat, 1959. - 448 p.)
23. Мансурова Ж.Ю. Хозяйство казахов Малого и Среднего Жузов во второй половине XVIII - начале XIX в. – Москва, АКД. – 1984. – 272 с. (Mansurova Zh.Yu. The economy of the Kazakhs of the Small and Middle Zhuzs in the second half of the 18th - early 19th centuries. - Moscow, AKD. - 1984. - 272 p.)
 24. Мансурова Ж.Ю. Хозяйство казахов Малого и Среднего Жузов во второй половине XVIII - начале XIX в. Дисс. канд.ист.наук. – Москва, 1984. – С.150-151. (Mansurova Zh.Yu. The economy of the Kazakhs of the Small and Middle Zhuzs in the second half of the 18th - early 19th centuries. Diss. Candidate of Sciences - Moscow, 1984. - P.150-151.)
 25. Mansurova Zh.Yu. The economy of the Kazakhs of the Small and Middle Zhuzs in the second half of the 18th - early 19th centuries. Diss. Candidate of Sciences - Moscow, 1984. - S.150-151.
 26. Гавердовский Я.П. Исторический опыт торговли с Бухарией. ЦГВИА, ф.260, ОП.1, д. 2, л. 12-34 об. (Gaverdovsky Ya.P. Historical experience of trade with Bukhara. TsGVIA, f.2b0, OP.1, d. 2, l. 12-34)
 27. Мансурова Ж.Ю. Хозяйство казахов Малого и Среднего Жузов во второй половине XVIII - начале XIX в. – С.152. (Mansurova Zh.Yu. The economy of the Kazakhs of the Small and Middle Zhuzs in the second half of the 18th - early 19th centuries. Diss. Candidate of Sciences - Moscow, 1984. - P. 152.)
 28. Шахматов В.Ф. К вопросу о причинах относительной застойности патриархально-феодальных отношений у кочевников. ВАН КАЗ ССР, 1959, вып. 5. –С.21. (Shakhmatov V.F. To the question of the reasons for the relative stagnation of patriarchal-feudal relations among nomads. VAN KAZ SSR, 1959, no. 5. -p.21)
 29. Фукс С.Л.Барымта. В кн.:Ученые записки Харьковского юридического ин-та. Харьков, 1948, вып.3. – С.13-15. (Fuchs S.L. Barymta. In the book: Scientific Notes of the Kharkov Law Institute. Kharkov, 1948, issue 3. - P.13-15.)
 30. Мансурова Ж.Ю. Хозяйство казахов Малого и Среднего Жузов во второй половине XVIII - начале XIX в. – С.153-172. (Mansurova Zh.Yu. The economy of the Kazakhs of the Small and Middle Zhuzs in the second half of the 18th - early 19th centuries. - P.153-172.)
 31. Гавердовский Я.П. Ведомость и киргиз-кайсацком народе Средней и Меньшей орды с разделением на глав- - 256 - ные роды. ЦГВИА, ф.397,оп. 1,д.26, л.82-85. (Gaverdovsky Ya.P. Vedomosti and the Kirghiz-Kaisak people of the Middle and Lesser Horde, divided into main - 256 - clans. TsGVIA, f.397, op. 1, d.26, l.82-85.)
 32. Мансурова Ж.Ю. Хозяйство казахов Малого и Среднего Жузов во второй половине XVIII - начале XIX в. – 18-чи илова. (Mansurova Zh.Yu. The economy of the Kazakhs of the Small and Middle Zhuzs in the second half of the 18th - early 19th centuries. - 18)
 33. Ефремов Ш. Странствование Филиппа Ефремова в Киргизской степи,Бухарии, Хиве, Персии,Тибете, и Индии и возвращение его от туда через Англию в Россию.3-е изд., Казань,18II. с, 16-17; Поездка Пospelова и Бурнашева в Ташкент в 1800 г. ВРГО,1851, ч. I, отц.VI. – С. 44. (1-43) (Efremov Sh. The wandering of Philip Efremov in the Kirghiz steppe, Bukhara, Khiva, Persia, Tibet, and India and his return from there through England to Russia. 3rd ed., Kazan, 18II. s, 16-17; The trip of Pospelov and Burnashev to Tashkent in 1800. VRG0,1851, part I, father VI. - S. 44. (1-43)
 34. Семенюк Г.И. Рабство в Казахстане в XV-XIX вв. ТИИАЭ. – Алма-Ата, 1959, т. 6. л. 177; Марков Г.Е. Кочевники Азии (структура хозяйства и общественной организации).-М.: 1СУ,1976. – С. 154. (316 с.) (Semenyuk G.I. Slavery in Kazakhstan in the 16th-19th centuries ТИААЕ. - Alma-Ata, 1959, v. 6. l. 177; Markov G.E. Nomads of Asia (structure of the economy and social organization).-M.: 1SU, 1976. - S. 154. (316 p.)

35. Гавердовский Я.П. Ведомость и киргиз-кайсацком народе Средней и Меньшей орды с разделением на глав- - 256 - ные роды. ЦГВИА, ф.397,оп. 1,д.26, л.82-85. (Gavardovsky Ya.P. Vedomosti and the Kirghiz-Kaisak people of the Middle and Lesser Horde, divided into main - 256 - clans. TsGVIA, f.397, op. 1, d.26, l.82-85.)

ЎТМИШГА НАЗАР

3 МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР 3

LOOK TO THE PAST
SPECIAL ISSUE 3

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Тадқиқот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000